



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 17 август, № 170 (7128)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



АЗИЗ ВА ЯҒОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг маънавий ҳаётида алоҳида ўрин тутадиган, муқаддас ислом динининг эзгу ғояларини яқол ифода этадиган қадимий байрамимиз Қурбон ҳайитини муносиб нишонлаш, жамиятимизда инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, саховат ва шукроналик туйғуларини кучайтириш, ёшларимизда юксак фазилатларни камол топтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2018 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 21 август сешанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги “2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги ПФ–5290-сонли Фармонида мувофиқ, 2018 йил 21 — 23 август кунлари — Қурбон ҳайитининг биринчи уч кунни мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Қурбон ҳайитининг жойларда юқори савияда, халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги “2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги ПФ–5290-сонли Фармони 2-бандининг олтинчи хатбошидаги “24 август — жумага” сўзлари “22 август — чоршанбага” сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 15 август

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси — амалда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йил 8 августда қабул қилинган “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармон норма ижодкорлиги соҳасини замонавий инновацион ғоя ва усуллар асосида тубдан ислоҳ қилишни таъминловчи, том маънодаги тарихий ҳужжат бўлди.

2018 йил 16 август куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида мазкур Фармонга асосан тузилган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича Қонунчи-

лик палатаси Спикери Н. Исмоилов раҳбарлигидаги Комиссиянинг кенгайтирилган таркибдаги биринчи ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди.



Пойтахтда инвестиция муҳитини янада яхшилаш бўйича эксперимент ўтказилади



Пойтахтдаги сармоявий муҳитнинг ҳақиқий аҳолини ўрганиш, инвестицияларни жалб этиш орқали иқтисодий тармоқларини ривожлантириш ва модернизациялаш каби ваколатлар тажриба тарқасида Тошкент шаҳар ҳокимлигига берилади. Унинг самарасига қараб, бошқа ҳудудларга ҳам жорий этиш кўзда тутилган.

Тошкент — ҳар биримиз учун азият ва қадрдон шаҳар. Таъбир жоиз бўлса, унинг тисмолида бутун Ўзбекистон, Ўзбекистон тисмолида эса Тошкентни тасаввур этамиз. Бугунги кунда дунёдаги энг мафтункор шаҳарлар орасида унинг алоҳида қайд этилишида ҳам катта маъно мужассам. Зеро, бу кент ўзининг бой тарихи, юксак салоҳияти, изчил тараққиёти билан эътирофга сазовор бўлмоқда.

Лекин эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиш ярамайди. Шу боис кўзда тутилган юксак марраларни забт этиш учун, аввало, Тошкент шаҳрининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, тўғридан-тўғри сармоялар жалб қилишни рағбатлантириш, мазкур йўналишдаги давлат сиёсатининг изчиллигига инвесторларнинг ишончини мустаҳкамлаш жуда муҳимдир.

Давлатимиз раҳбарининг “Тошкент шаҳрида инвестиция муҳити яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони пойтахтимизда шибилармонлик муҳитини янада яхшилаш, сармоялар қиритиш борасида янги-янги ғоя ҳамда ташаббусларни илгари суриш ва амалга оширишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.



Ҳамкорлик

Тўқимачилик саноатига

240 миллион
АҚШ доллариллик

инвестиция жалб этилмоқда

Тикув-трикотаж ва тўқимачилик Ўзбекистон саноатининг энг жозибали тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу нафақат пахта хом ашёсининг бисёрлиги, балки муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаиш осонлиги, электр энергияси ва бошқа ресурсларнинг нисбатан арзонлиги билан изоҳланади. Шу боис эндиликда мазкур салоҳиятдан унумли фойдаланиш, чет эллик инвесторларни жалб қилган ҳолда, замонавий корхоналарни барпо этишга жиддий аҳамият қаратиляпти.



Автомобилсозлик мамлакатимиз саноатининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Кейинги пайтда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мазкур соҳа ҳам ислоҳ қилиниб, хорижий ҳамкорлар билан савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий муносабатлар мустаҳкамляпти. Натижада енгил ва юк автомобиллари, автобус, шунингдек, махсус транспорт воситаларининг янги-янги моделлари ўзлаштирилмоқда. Бунда Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамият шаклидаги “JV MAN Auto Uzbekistan” қўшма корхонасининг алоҳида ўрни бор.

Ўзбек автомобилсозлиги:

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ҲАЖМИ ОРТАДИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎПАЯДИ

Дарҳақиқат, мазкур заводда “MAN” русумидаги огир юк машиналари, махсус транспортлар, шунингдек, йўловчи автобуслари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Натижада қурилиш, ободонлаштириш, транспорт хизматлари кўрсатиш ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун зарур автомобиллар импортига ҳолат қолмади.

— Энг янги технологик жиҳозлар билан таъминланган заводимизда 5 тоннадан 30 тоннагача юк кўтарадиган, тўлиқ вазни 41 тоннагача бўлган замонавий техникалар ишлаб чиқарилмоқда, — дейди ушбу корхона маҳаллийлаштириш ва янги лойиҳалар департаменти директори Ойбек Аюлов. — Самосвал, бетон аралаштиргич, сув, чиқинди ташиш, ўт ўчириш ва қўтқарув машиналари каби 50 дан зиёд моделдаги махсус техникалар шулар жумласидан. Айни пайтда корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 3000 техника бирлиги бўлиб, шаҳар ва шаҳарлараро ҳаракатланиши мўлжалланган автобуслар ҳам қамраб олинган.



Бахтиёр АҚРАМОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Орол ҳалокатини бартараф этиш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга чорламоқда

2018 йил 24 август куни Туркманистонда Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (ОҚХЖ) таъсисчилари — давлат раҳбарлари саммити бўлиб ўтади. Унда ташкилот фаолиятини такомиллаштириш ва минтақа учун умумий бўлган тамойиллар асосида Орол денгизи ҳавзаси сув ресурсларини мувофиқлаштирган ҳолда бошқариш, муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш йўналишларини аниқлаб олиш мўлжалланмоқда. Таъкидлаш жоиз, бу борадаги юқори даражадаги саммит тўққиз йилдан ортиқ вақт мобайнида ўтказилмаётган эди.

ТАҲЛИЛ

Экологиянинг сиёсий мезонлари

Қуриб қолган Орол денгизи — замонамизнинг энг йирик экологик ҳалокатидир. Бу сайёраимиз инсоният томонидан йўқ қилинишининг салбий маънодаги рамзи бўлиши керак. Ўтган йили Оролбўйига ташириш буюрган БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш ҳам шу ҳақда алоҳида сўз юритган эди. Орол фожияси мустақил республикаларга мерос бўлиб қолган жиддий муаммолардан бири саналади. Марказий Осиё мамлакатлари чорак аср аввал экологик ҳалокатнинг олдини олиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини англаган ҳолда,

Оролни қутқариш халқаро жамғармасига асос солишган эди. У минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, мураккаб сув ҳўжалиги масалаларини ҳал этишнинг универсал платформасига айланди. ОҚХЖ доирасида сув тақсимоти, Орол денгизи минтақасида сув ресурсларини биргаликда бошқариш, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича ҳамкорлик борасида қатор шартномалар ҳамда битимлар имзоланди.

Ўтган даврда минтақа давлатлари ўртасида нафақат экологик соҳада, балки амалий саъй-ҳаракатлар борасида келишувнинг йўқлиги, ўзаро манфаатларнинг инобатга олинмаслиги, қатор масалаларда мулоқот ҳамда ўзаро ту-

шунишнинг мавжуд эмаслиги оқибатида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси фаолияти етарли даражада самарадорлик касб этмади. Минтақада экологик вазият секин суруятлар билан ўзгарди, лекин бу Орол фожияси асоратларини тўхтатиш имконини бермади.

2016 йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Марказий Осиё мамлакатларини яқинлаштириш бўйича муҳим қадамлар ташланди. Экспертларнинг фикрича, минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит ўрнатилди. Жумладан, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси республиканинг янги сиёсий йўналиши етилиб қолган муаммолар ечими учун барча давлатларнинг оқилона муросалари ва манфаатлари асосида ўз вақтида ҳамда амалий жавобга айланганини эътироф этди. Қисқа вақт ичида муносабатлардаги деярли барча огриқли муаммоларни бартараф этиш, жумладан, Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилаш бўйича конструктив мулоқотни йўлга қўйишнинг уddасидан чиқилди.



БИЗ ва ЖАҲОН



Кеча Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ҳамда Тожикистон ишбилармон доираларининг бизнес форуми бўлиб ўтди. Унда икки давлатнинг тегишли вазирлик ва идоралари раҳбарлари, бизнес тўзилмалари, хусусан, 400 дан ортиқ тадбиркорлар иштирок этди. Шунинг ўзиёқ томонларнинг иқтисодий, савдо-сармоявий алоқаларни мустаҳкамлашга бўлган иштиёқи нечоғли юқори эканлигини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон — Тожикистон бизнес форуми

Бизнес форумининг очилишида сўзга чиққанлар Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган прагматик ташкил сиёсат икки қардош халқ ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли алоқаларни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқишда ҳал қилувчи аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидладилар.

Дарҳақиқат, кейинги пайтда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишда янгилаш қўлам касб этмоқда. Айниқса,

авиаташуварлар, автомобиль ҳамда темир йўл қатновлари қайта тиклангани нафақат логистика ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожини, балки савдо-инвестициявий алоқаларда янги ўфқларни очиб берди. Агар 2017 йил якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 240 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, охириги 20 йилдаги энг юқори кўрсаткичга эришилган бўлса, 2018 йил биринчи ярмининг ўзида бу 35 фоиз ўсиб, 160 миллион АҚШ долларини ташкил этди.



Ўзбекистон — Ҳиндистон: янги лойиҳалар муҳокама қилинди

Пойтахтимизда Савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳукуматлараро комиссиясининг ўн биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистон саноат конфедерацияси, Савдо-саноат палатаси, “Ҳиндистон — МДХ” савдо-саноат палатаси вакиллари ҳамда ушбу мамлакатнинг йирик компания ва корхоналарининг 100 дан ортиқ мутасаддилари иштирок этди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси Қурбон Холмуродов ҳамда Ҳиндистон Савдо ва саноат вазирлиги Суреш Прабху қайд этганидек, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқалар ўзаро ишончга асосланган ҳолда жадал ривожланмоқда. Бунда ўтказилаётган турли учрашувлар, ишбилармонлик мулоқотлари,

бизнес форумлари қўл келяпти. Савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳукуматлараро комиссиясининг галдаги йиғилиши ҳам шундай тадбирлардан биридир. Зотан, мазкур анжуманда икки томон манфаатига хизмат қилувчи қўллаб-қувватлаш муҳокама қилинади, келгуси ишларга мустаҳкам замин яратилади.



Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси — амалда



Унда Комиссия аъзолари, депутатлар, Президент девони, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ходимлари, шунингдек, Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режасида белгиланган ташкилот ва идоралардан масъуллар ҳамда журналистлар қатнашди.

Йиғилишда Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясининг аҳамияти, мазмун-моҳияти, уни рўёбга чиқариш бўйича Амалий чора-тадбирлар режасида белгиланган топшириқларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилишини таъминлаш, бунда Комиссия олдида турган муҳим вазифалар муҳофиза этилди. Масъул ижрочилар томонидан вазифа ва топшириқларни сифатли ижро этиш тартиби, муддатлари ва механизмлари кўриб чиқилди.

МОЛИЯ БОЗОРИ РИВОЖИ

соҳанинг қонуний асосларини янада такомиллаштиришни талаб этади

Молия бозори ва молия хизматлари соҳасини янада ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ҳамда истиқболлари, бу борадаги миллий амалиёт ва халқаро тажриба Олий Мажлис Сенати кўмиталари ҳамда Банк-молия академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган давра суҳбатига муҳофиза қилинди. Сенаторлар, хорижий ва маҳаллий экспертлар, мутасадди вазирлик ва идоралар, тижорат банклари вакиллари иштирокида мамлакатда молиявий бошқарувнинг илғор турларини татбиқ этиш орқали янги иш ўринларини яратиш масаласи хусусида сўз юритилди.

Мутасассислар тақдим этган таҳлиллар Ўзбекистонда молия бозорининг ликвидлиги талаб даражасида эмаслигини кўрсатади.

Иқтисодиётнинг реал сектори ва молия бозоридagi узлишлар сабабли корхоналарга инвестиция маблағларини жалб қилиш учун молия бозорининг замонавий воситаларидан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келинапти. Уй ҳўжаликларининг молия бозорига кириб бориши орқали уларнинг корпоратив қимматли қўғозлар бозоридagi саломини ошириш масаласи ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Бундан ташқари, кредитлаш, жамгарма-депозит, пул ўтказмалари, ҳисоб-касса амалиёти, суғурталаш, инсасация, молиявий қаролатлаш ва валюта олди-сотдиси каби молиявий хизматлар кўрсатиш юртимизда лозим даражада ёки халқаро стандартлар асосида йўлга қўйилмаган. Иқтисодий ривожланган давлатлар тажрибасида кенг қўланиладиган биржа, лизинг, рейтинглаш, қайта суғурталаш, брокерлик, мулкни баҳолаш, молиявий маслаҳат бериш, молиявий ресурсларни ишончли бошқариш каби хизматларни кўрсатиш қутилган натижаларни бермапти.

Давра суҳбатиди шу каби соҳада ечимини кутаётган айрим масалалар аниқ таҳлил қилинди. Уларнинг самарали ечими ва амалиётга муваффақиятли жорий этиш йўллари ўрганилди.

Тўғри, соҳада ҳали натижавий ёндашуви кутаётган, айниқса, қонунчилиқдаги тақомилга муҳтож бўлган нормалар талайгина, — деди Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси Алишер Курманов. — Айниқса, корпоратив бошқарув ва молия соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш, қимматли қўғозларни сотиш орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини мамлакат иқтисодиётига жалб этиш бўйича ишларни янада жонлантириш лозим. Чунки бу камчиликлар молия бозори ва хизматларини ривожлантириш билан бог-

лиқ дастурлар ижроси самардорлигини ошириш, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишга салбий таъсир кўрсатяпти. Бунинг учун бир неча янги қонунлар қабул қилиш олдимизда турган вазифалардандир. Жумладан, давра суҳбатиди билдирилган тақлифга кўра, молия бозорини ривожлантириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, инвесторлар ҳамда фонд бозорининг бошқа иштирокчиларига қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ва “Қимматли қўғозлар бозори тўғрисида”ги қонунларга қўшимча ва ўзгариш киритишни янада тезлаштиришга келишиб олинди.

Тадбирда қатнашган халқаро экспертлар ҳам бу борада халқаро тажрибанинг муваффақиятларидан самарали фойдаланиш юзасидан фикр билдирди.

— Жанубий Корея ва Ўзбекистон иқтисодиёти, банк-молия тизими бир-бирдан катта фарқ қилади, — дейди Қимматли қўғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази консултанти Пол Ли. — Аммо Ўзбекистон замонавий молия бозорини ривожлантириш учун катта салоҳиятга эга мамлакат. Унинг инвестиция ресурсларини янада очикроқ тақдим этиш, банкларнинг жозибадорлигини ошириш ва аҳоли ўртасида акциядорлик жамиятлари фаолиятида иштирок этишга ишонч уйғотиш — молия бозорининг келгусидаги истиқболли таъминлайди. Бугун молия бозори кенгайдиган фарқ қилади. Мўлқдор бўлиш учун имкониятлар жуда кўп. Бу борада аҳоли ўртасида тушунириш ишларини янада кучайтириш орқали молия бозорларининг жадал сурьатлар билан равнақ топишига ийобий таъсир кўрсатиш мумкин.

Давра суҳбати якуни бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига молия бозори ва хизматларини ривожлантириш, фонд биржаси механизмларини тақомиллаштириш ҳамда давлат қисқа муддатли қимматли қўғозларини чиқариш билан боғлиқ ўзгаришлар киритиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мунисон КАРИМОВА.

да рўёбга чиқарилиши лозим бўлган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Комиссия аъзолари таъкидлашча, Фармонга мувофиқ, бундан кейин қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини қўллаш, улар қўлга кирган пайтдан эътиборан ижросини ташкил этиш юзасидан қўшимча ички идоравий ҳужжатлар қабул қилишга доир мажбуриятлар юклатилмайди. Соҳага замонавий ахборот-коммуникацияларини кенг жорий этиш орқали қўғозбозлик, бюрократизм ва буйруқбозлик кабиларга чек қўйилди.

Иштирокчилар норма ижодкорлиги фаолиятини тақомиллаштириш мақсадида “ақлли тартибга солиш” модели элементлари қўлланилиши эвазига ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатни аниқ ҳисоб-китобга таяниб, илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқишни йўлга қўйиш борасида фикр алмашдилар.

Тарқоқ ҳолдаги қўллаб идоравий ҳужжатлар ўрнида тизимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш бўйича тақлифлар илгари сурилди.

Шунингдек, “Қонун ҳужжатларининг таъсирчанлигини баҳолаш тизими” порталини Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишининг ягона электрон тизимига интеграциялашнинг истиқболлари муҳофиза этилди.

Юртбошимчи илгари сурган “Қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт” деган тамойил асосида фуқа-

роларнинг норма ижодкорлиги жараёнидаги бевосита иштирокини таъминлаш механизмларини, хусусан, фуқароларнинг жамоавий ташаббусларини электрон тақдим этишга мўлжалланган “Mening fikrim” веб-портали, regulation.gov.uz норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали кабиларнинг имкониятларини янада кенгайтириш масаласи Комиссия аъзолари томонидан апрофлича таҳлил қилинди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, қонунчилик ташаббуси субъектлари томонидан мазкур Фармон мазмун-моҳияти, унинг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларни жамоатчиликка етказиш мақсадида туркум семинарлар ташкил этилишига келишиб олинди.

Қизғин мунозаралар руҳида кечган йиғилиш якунида Комиссия аъзолари олдида турган муҳим ишлар, масъул ижрочилар зиммасига юклатилган вазифалар белгилаб олинди.

Раҳимжон ҲАКИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори:

— Бўлиб ўтган йиғилишда Олий Мажлис зиммасига юклатилган алоҳида вазифалар билан бир қаторда, парламентнинг Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, уларга ило-ва қилинаётган ахборот-таҳлилий ма-

териалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиётини ишлаб чиқиш бўйича ҳам амалий фикрлар билдирилди.

Яна бир муҳим масала шуки, қонунларнинг самардорлигини ошириш мақсадида эндиликда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиладиган қонун лойиҳаларига уларнинг ташаббускорлари томонидан қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тарғиб қилиш ҳамда амалга ошириш масалаларини ўз ичига олган тадбирлар режаси ҳам илова қилиниши амалиётини йўлга қўйилди.

Фаррух ҚОРАБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги бошқармаси бош мутахассиси:

— Комиссиянинг кенгайтирилган йиғилишида Концепцияда белгиланган вазифаларни амалиётга самарали татбиқ қилиш масалалари эътибор марказида бўлди. Жумладан, таҳлилларга кўра, бугунги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазаларнинг атиги 12,7 фоизигина ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқаётганлар томонидан кўриб чиқилган, холос. Йиғилишда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг тақлифлари инобатга олинишини шарт этиб белгилаш масаласи кўтарилди.

Шунингдек, айни пайтда норматив ҳужжатларни баҳолашда фақатгина regulation.gov.uz портали имкониятлари билан чекланилапти. Ваҳолонки, ривожланган хориж мамлакатларида бундай тизимнинг бир қанча усулларидан фойдаланилади. Шундан келиб чиқиб, айнан баҳолаш борасида алоҳида давлат идорасини масъул этиб белгилаш мақсадаги мувофиқлиги тақлифи билдирилди. Ушбу йўналишда ҳам эндиликда самарали тизим йўлга қўйилди.

Қобил ХИДИРОВ.

яратилган мактаб ўқувчилари формаси ҳамкорларимизга, уларнинг буюртмачилирига маъқул тушибди. Бу борада ҳам аниқ келишувга эришсак, экспорт шартномамиз янада кўпаяди.

Бизнес форуми доирасида икки давлат бизнес доиралари ўртасида умумий қиймати 103,3 миллион АҚШ долларлик 11 келишув ҳужжати имзоланди.

Тожикистон ишбилармон доира вакиллари шу кун пойтахти-миздаги “Artel”, “Gold Dried Fruits Export”, “Uzbek Tashkent” каби бир қатор корхоналарда бўлиб, иш жараёни ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш фаолияти билан яқиндан танишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н. Отажонов сўзга чиқди.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ноҳирбек ИБОДУЛЛАЕВ.

Ўзбекистон – Тожикистон бизнес форуми



Томонларнинг фикрича, гарчи рақамлар ой сайин ортб бораётганига қарамай, ҳозирги натижада давлатларимиз раҳбарлари томонидан 2020 йилгача товар айирбошлаш ҳажминин 500 миллион АҚШ долларига етказиш вазифаси қўйилганининг боиси ҳам ана шунда.

Юртимиз экспортининг асосий қисмининг енгил ва юк машиналари, қишлоқ ҳўжалиги техникалари, электротехника, тўқимачилик, металлургия, озиқ-овқат саноати, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, қурилиш моллари ташкил этади. Ўз навбатида, Тожикистондан қурилиш материаллари, саноат

маҳсулотлари, хўнарандлик буюмлари олиб келинади.

Анжуманда иқтисодиёт соҳалари, саноат тармоқларига киритилаётган инвестициялар ҳажминин ошириш, қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, биргаликда ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш, “Савдо йўлларини очиш, ташқи савдонини қўллаб-қувватлаш масалалари атрофида муҳофиза қилинди.

Шундан сўнг мулоқотлар B2B форматда давом эттирилди.

— Бугунги тадбир биз, ишбилармонлар учун ўша самарали бўлди, — дейди “Azim.Ko” ширкати раҳбари Баҳриддин Додоев. — Шу пайтгача қурилиш материаллари савдоси билан шуғулланган бўлсак, энди уларни ўзимиз ишлаб чиқарамиз. Бунда ўзбекистонлик

ҳамкорларимиз яқиндан кўмак берадиган бўлишди. Имзоланган шартномага кўра, дастлаб ўзбек олимлари томонидан яратилган инновацион материал — суюқ ҳолатдаги гулқўғозлар ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз.

Бизнес форумида маҳсулотларининг 75 фоизини қўшни Тожикистонга экспорт қилаётган бекободлик тадбиркор Сафарой Бердиева янги ҳамкорлар топиб, қўшимча шартномалар имзолаганидан жуда мамнун.

Тўртта янги ҳамкор билан келишувга эришиб, махсус кийим-бош етказиб бериш бўйича 50 миллион долларлик шартнома ҳам имзоладик, — дейди у. — Бу ҳали ишимизнинг бошланғичи. Чунки корхонамиз томонидан

Пойтахтда инвестиция муҳитини янада яхшилаш бўйича эксперимент ўтказилади



Мақсуд ҳужжат билан пойтахтдаги сармоявий муҳитнинг ҳақиқий аҳолини ўрганиш, инвестицияларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва модернизациялаш каби ваколатлар тажриба тариқасида Тошкент шаҳар ҳокимлигига берилиши кўзда тутилмоқда. Унинг самарасига қараб, бошқа ҳудудларга ҳам жорий этиш мўлжалланган.

Маълумотларга кўра, тадбиркорлар билан ўтказилган турли даражалардаги музокаралар натижасида 2,1 миллиард АҚШ долларига тенг 143 та инвестицион лойиҳа маъқулланган. Уларнинг 1,5 миллиард доллари тўғридан-тўғри хо-

тўғри келарди. Натижада уларнинг давлатга, ҳокимиятга бўлган ишончи ўйқолади. Оддий мисол, сойиқ “Алтомаш” спорт саройига 72 миллиард нарх белгиланган. 10 йилдан бери сотувда турибди. Бу нархга ҳеч қанча олмапти. Агар ўша объект бирорта инвесторга 10 йил олдин берилганида эди, бугун у ерда 500 нафар одам ишларди, солиқдан тушадиган маблағ ҳам 100 миллиарддан ошиши мумкин эди. Эндиликда махсус ишчи гуруҳ томонидан маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг лойиҳалари, ер ёки бино ажратиш масалалари 10 кун ичида ўранилиб, зарур чоралар кўрилади. Бу эса барча учун бирдек фойдали.



рикий сармояларга тўғри келади. Асосий масала ушбу лойиҳалар учун ажратиладиган ер майдони билан боғлиқ. Чунки истиқболли лойиҳаларни татбиқ этиш учун 230 гектар танқис меғалогига ер майдони ёки бўшаб қолган кўчмас мулк объектлари зарур эди. Рўхсат бериш учун эса қўллаб ҳужжатлар йиғишга тўғри келарди.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2018 йил 15 августдан 2019 йил 15 августгача пойтахтда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича тажриба тариқасида янги-ча тартиблар жорий қилинади.

Жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимининг инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар асосида инвестиция шартномаларини тузиш орқали соддалаштирилган тартибда доимий эғалик, доимий фойдаланиш, вақтинчалик эғалик қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш учун ер участкаларини ажратиш, сармоядорлар билан музокара якунлари бўйича инвестиция келишуви асосида фойдаланилмаётган давлат объектларининг майдони, ҳажмидан

Ахрор ХОЛМИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси бош мутахассиси:

— Ҳўжжати кўра, агар тадбиркор инвестиция лойиҳасидаги шартномада кўрсатилган ишларни бажармаса, дейлик, бундэ этилиши лозим бўлган завод ёки фабрикани, хизмат кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқариш объект-



ларини қуриш ишларини ўз вақтида бошламаса, мазкур ҳолатларда уларга ажратилган ер участкалари ёки берилган объектлар қайтариб олинади.

2018 йил 1 октябрдан жорий қилинадиган яна бир янглик шундан иборатки, автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш хизматларини кўрсатиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг белгиланган солиқни тўлаш тартиби бекор қилиниб, улар ягона солиқ тўловига ёки Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси билан белгиланган бошқа умумбелгиланган солиқларга ўтказилади.

Баҳром ҒОҒУРОВ,
Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси катта инспектори:

— Авваллари автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойлари билан фаолият кўрсатувчи юридик шахслар томонидан ишласа ҳам, ишласа ҳам, қатъий белгиланган солиқ тўловларини тўлашлари зарур эди. Эндиликда уларга катта энгилликлар берилмоқда. Яъни улар ягона солиқ тўловини ёки Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган бошқа умумбелгиланган солиқларни тўлашлари мумкин. Сoddарoқ айтaмизaн бўлсaк, энди улар фаолиятидан келиб чиқиб, ишласaн даври учунeинa солиқ тўлайди.

Тошкент шаҳрида “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси ҳамда Хитой Тўқимачилик ва кийим-кечак миллий кенгаши томонидан тегишли вазирлик ва идоралар кўмағига ташкил этилган Ўзбекистон — Хитой бизнес форумидан қўзланган асосий мақсад ҳам шундан иборат. Яъни икки давлат ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тўқимачилик саноатида истиқболли қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилишдир.

— Бугунги кунда хитойлик инвесторлар иштирокида умумий қиймати 220 миллион АҚШ долларлик 10 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилмоқда, — дейди “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси раиси ўринбосари Бахтиёр Муҳаммадсаидов. — Аммо бу мавжуд имконият даражасида эмас. Шунинг учун тез орада яна 14 та лойиҳани амалга ошириш, бунинг учун эса 240 миллион долларлик инвестиция жалб этиш юзасидан амалий савй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Улар жинси ва пахмоқ матолар, тайёр кийим-кечаклар ишлаб чиқаришга қаратилган.

Форумда юртимиз ишбилармонлари билан бирга, Хитойдан ташриф буюрган 30 дан зиёд компаниялар раҳбарлари иштирок этди. Улар дастлаб Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида бўлиб, ҳудудларнинг инвестициявий салоҳияти билан яқиндан танишдилар. Тадбир давомида чет эллик сармоядорларга тақдим этилаётган имтиёзлар, солиқ ва божхона тизимидаги энгилликлар, эркин иқтисодий зоналардаги шарт-шароитлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

— Ташрифимиздан қўзланган асосий мақсад Ўзбекистон энгил саноати билан яқиндан танишиш эди, — дейди Хитой кийим-кечак миллий уюшмаси раиси ўринбосари Чен Дапенг. — Жойларда бўлиб, саноат корхоналарига хом ашё барқарор етказиб берилаётгани, меҳнат ресурслари етарли эканлиги, энг асосийси, соҳа ривожига давлат томонидан оқсак эътибор қаратилаётганига ишонч ҳосил қилдик. Бу эса бизни тўқимачилик саноатига сармоя киритиш, ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқишга катта туртки бермоқда.

Эътиборлиси, тикув-трикотаж ва тўқимачилик саноатидаги истиқболли лойиҳалар бизнес форуми иштирокчиларида қатта қизиқиш уйғотди. Натижада тадбир давомида Хитойнинг бешта йирик компанияси билан дастлабки келишувларга эришилди.

Ноҳирбек ИБОДУЛЛАЕВ.

Тошкент шаҳар ҳокими

Тошкент шаҳар ҳокими

Тошкент шаҳар ҳокими

Тошкент шаҳар ҳокими

Тошкент шаҳар ҳокими

Тошкент шаҳар ҳокими

Тошкент шаҳар ҳокими

Тошкент шаҳар ҳокими

Тошкент шаҳар ҳокими

Тошкент шаҳар ҳокими

Тошкент шаҳар ҳокими

Тошкент шаҳар ҳокими

Тошкент шаҳар ҳокими

Ўзбекистон Орол ҳалокатини бартараф этиш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга чорламоқда



Пировардида орадан 9 йил ўтиб давлат раҳбарлари — ОҚХЖ таъсисчилари йиғилади. Ўзбекистон бу борадаги халқаро ҳамкорлик салоҳиятини бирлаштириш учун барча зарур саъй-ҳаракатларни сафарбар этмоқчи.

Фожиани

тўхтатиб қолиш

Орол фалокати битта давлат ёки минтақанинг эмас, балки бутун дунё ҳамжамияти муаммоси ҳисобланади. Ўзбекистон Оролбўйи ҳудудида экологияни сақлаб қолиш учун улкан саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Охириги йилларнинг ўзида республикада умумий қиймати 5,5 миллиард доллардан зиёд бўлган лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Ўзбекистоннинг ОҚХЖ-га раислиги доирасида (2013 — 2016 йиллар) мамлакатимиз томонидан Оролнинг қуриши асоратларини бартараф этиш ва Оролбўйида экотизим фожиасининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўрилди. Булар БМТ Бош Ассамблеясининг 68-сессиясида қўлаб-қувватланди. 2014 йил октябр ойида Урганч шаҳрида ўтказилган “Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш” мавзусидаги халқаро конференция якунлари бўйича келишувларга эришилди ва умумий қиймати 3 млрд. долларлик минтақавий лойиҳалар имзоланди.

Ўзбекистоннинг жамғармага раислиги пайтида Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича учинчи ҳаракатлар дастури қабул қилинди.

Айни пайтда чет эллик ҳамкорларнинг фаол ёрдамида Орол денгизининг қуриб қолган тубида саксовул ва шўрга чидамли бошқа ўсимлик турларидан иборат 350 минг гектарлик ўрмон ҳимоя қалқонини яратиш, коллектор-дренаж сувлари чиқиб кетиш тизимини яхшилаш, Оролбўйи аҳолиси турмуш даражасини ошириш бўйича лойиҳалар рўёбга чиқарилди.

2017 йил январь ойида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 — 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича Давлат дастури тасдиқланди. Унда 8,422 трлн. сўм ҳажмида молиялаштириш назарда тутилган. Асосий эътибор Оролбўйида иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатни, аҳоли турмуш шароити ҳамда сифатини яхшилаш, Орол денгизи экологик фалокати асоратларини юмшатиш бўйича инвестицион лойиҳаларни ўз вақтида ва самарали амалга оширишга қаратилди.

Ўзаро ҳамкорликнинг икки томонлама формати

Ўзбекистон нафақат ОҚХЖ доирасида, балки икки томонлама даражада Орол муаммоси бўйича иш олиб бораётти. Ўтган икки йилда қўшни давлатлар билан сув соҳасидаги ҳамкорлик сезиларли даражада жадаллашди. 2016 йил ноябрь ойида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида сув ресурсларини

бошқариш бўйича ҳамкорлик соҳасида ишчи гуруҳи тузилди. Икки давлат трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича маслаҳатлашув майдонлари ташкил этилди. Мамлакатларимиз экспертлари Угам дарёсидан аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича лойиҳани амалга оширишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқмоқда.

Қирғизистон билан минтақавий сувдан фойдаланиш масалалари

ирасида Ўзбекистон томони Тожикистонда гидротехник қурилмалар, жумладан, Вахш дарёси бўйидаги Роғун ГЭСи қурилишида халқаро нормалар ҳамда Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақасидаги барча давлатлар манфаатларини инобатга олган ҳолда иштирок этиш имкониятларини қўриб чиқишга тайёр эканлигини билдирди.

Туркменистон билан бу борадаги ҳамкорлик таркибига “Амударё” ҳавза-сув ҳўжалиги ташкилоти ҳам кирадиган уч томонлама ишчи гу-

бошқа ечим йўқ. Ўзбекистон БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган Амударё ва Сирдарё сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенцияни қўлаб-қувватлади. Денгизнинг қуриши оқибатларини бартараф этиш учун саъй-ҳаракатларни халқаро микёсда бирлаштириш ҳозир ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Фожианинг бутун сайёрага дахл-

ОҚХЖ таъсисчилари:



Орол денгизи

1960 йилга қадар

- Денгиз ҳудуди: 68,9 минг км²
- Сув ҳажми: 1083 км³
- Узунлиги: 426 км.
- Эни: 284 км.
- Энг чуқур жойи: 68 м.

Сўнгги 50 йил ичида

Орол денгизининг сатҳи 29 метрга пасайди, сув ҳажми 10 баравар камайди, денгиз юзасининг майдони эса 4 карра қисқарди.

Орол ҳалокати Марказий Осиёдаги иқлим шароитига кучли салбий таъсир ўтказди.



5,5 миллион гектар майдонда

Оролқум чўлининг

пайдо бўлиши

натijasида ҳар йили

90 кун мобайнида

чанг бўронлари

кўтарилиб,

100 миллион тоннадан

ортқ чангни

минглаб қақирим

майдондаги

атмосферага

учирапти.

«Халқ сўзи»

бўйича ҳам сезиларли ўсишга эришилган. 2017 йилда “Миллий энергетика холдинг компанияси” ОАЖ ва “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ўртасида Қамбарота ГЭС-1 қурилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш, шунингдек, ҳукуматлар ўртасида Косонсой сув омборидан давлатлараро фойдаланиш бўйича битим имзоланди.

Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистон раҳбари Сооронбай Жээнбеков билан учрашуви чоғида сув-энергетика соҳасидаги масалаларга конструктив ечим топишга эришиш йўлида Икки томонлама сув ҳўжалиги қўшма комиссияси тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Таркибида Ўзбекистон ва Тожикистон вакиллари бўлган махсус тузилган ишчи гуруҳ икки давлат манфаатларини инобатга олган ҳолда сув ҳўжалиги масалаларини тизимли равишда муҳокама этиб келаётир. Фарҳод ГЭСи тўғрисидадан ўзаро фойдаланиш бўйича келишувга эришилган.

Ўзбекистон Президентининг 9-10 март кунлари Тожикистонга амалга оширган давлат ташрифи до-

рури доирасида самарали раванк топлати. Томонлар ўзаро ишонч руҳида ва бир-бирларининг манфаатларини ҳурмат қилган ҳолда сув оқимларидан биргаликда фойдаланиш масалаларига ечим топмоқда.

Халқаро ҳамжамият эътирофи

Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида юксак минбардан туриб, Орол ҳалокатининг кўлами акс этган ҳаритани кўрсатиб, дунё ҳамжамиятини ушбу фожиани енгиб ўтиш йўлида бирлашишга чақирди. Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳақида гапирар эканимиз, минтақанинг умумий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш масаласини четлаб ўтиш мумкин эмас, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. Алоҳида қайд этилдики, ушбу муаммага ҳудуднинг барча мамлакатлари ва халқлари манфаатлари билан баравар ҳисоблашишдан

дор эканлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ ҳомийлигида Орол денгизи ва Оролбўйи ҳудуди бўйича махсус Траст жамғармаси тузилди. Унинг асосий вазифаси — Оролбўйидаги аҳоли саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш, экологик мувозанатни асраш ва ҳудуднинг чекланган сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, маблағлар жалб қилиш ва манзилли дастурлар, лойиҳаларни рўёбга чиқариш.

Яқинда, шу йилнинг 7-8 июни кунлари Тошкентда “Орол фожияси оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатлар: янгича ёндашувлар, инновацион ечимлар ва инвестициялар” мавзусида нуфузли халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё мамлакатлари парламентлари депутатлари, вазирлик ва идоралари раҳбарлари, Ўзбекистоннинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мутасаддилари, 20 дан ортқ халқаро давлатларнинг етакчи мухассислари, Оролни қўтқариш халқ-

аро жамғармаси, Марказий Осиё минтақавий экология маркази, Халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти (GIZ), БМТ тузилмалари, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик бўйича Доимий қўмитаси, Глобал сув ҳамкорлиги, Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилаш бўйича лойиҳаларга инвестиция киритиш истагидаги Жаҳон банки, етакчи молия институтлари ва халқаро ташкилотлар, чет эл компаниялари, шунингдек, хорижий ва миллий ННТ, бизнес ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Анжуман доирасида Марказий Осиё экологик форуми ташкил қилинди. Оролбўйи ҳудудидаги вазиятни яхшилашга қаратилган лойиҳалар тасдиқланди. Уларни рўёбга чиқариш учун хорижий инвестициялар ва маҳаллий бизнес жалб қилинмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси, Оролни қўтқариш халқаро жамғармасининг GEF агентлиги ҳамда мазкур жамғарманинг Қозоғистондаги ижроия қўмитаси ўрта-сида Орол денгизининг қуриган ер майдонларига қўтқарлар экиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш бўйича ҳамкорлик меморандуми, шунингдек, Ўзбекистон Етоҳарақати билан Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар соҳасида ҳамкорлик бўйича Доимий қўмитасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳамкорлик меморандуми ва бошқа келишувлар имзоланди.

Форум Марказий Осиёда юзага келган энг мураккаб ва оғриқли экологик масалаларни ҳал этиш учун минтақавий ҳамкорлиқни қўчатиришга туртки берди.

Анжуман якунлари бўйича қабул қилинган резолюция минтақа мамлакатларини Оролни қўтқариш халқаро жамғармаси фаолияти доирасида Оролбўйи муаммоларини мувофиқлаштириш, Орол денгизи қуриши оқибатларини юмшатиш бўйича амалга оширилаётган дастурлар самарадорлигини ошириш, нафақат Оролбўйи, балки бутун Орол денгизи ҳавзасидаги экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашга йўналтирилган лойиҳаларни рўёбга чиқаришда ҳамжихатлик йўлларини топиш, шунингдек, трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича янги ёндашувлар ва инновацион қарорларни биргаликда ишлаб чиқишда Марказий Осиё давлатларининг ўзаро алоқаларини чуқурлаштиришга чақирди.

Ўз кун тартибига қўлаб масалаларни жамлаган Оролни қўтқариш халқаро жамғармасининг бўлажақ саммити жамғарма фаолиятини такомиллаштириш учун ҳаётий аҳамият касб этувчи аниқ қарорлар қабул қилишга имкон берадиган янги ташаббуслар билан ёдда қолиши, шубҳасиз. Бу эса Орол фожияси оқибатларини енгиб ўтиш бўйича ҳамкорликнинг принципиал масалаларини ҳал этиш имконини беради.

Нигора ШОҲИМАРДОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Стратегик ва минтақалараро
тодқиқотлар
институтини бош илмий ходими.

Ўзбекистон — Ҳиндистон: янги лойиҳалар муҳокама қилинди



Бунинг самараси ўлароқ, айни пайтда юртимизда Ҳиндистонлик ишбилармонлар савдо, қайта ишлаш саноати, нефть, кимё, тўқимачилик, чарм маҳсулотлари тайёрлаш, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ўз лойиҳаларини амалга оширмоқда. Яъни ҳозир Ўзбекистонда ушбу давлат бизнес вакиллари сармоясини иштирокида 139 та ишбилармонлик субъекти фаолият юритапти. Шундан 59 таси қўшма корхона бўлса, қолганлари тўлиқ Ҳиндистонликлар томонидан молиялаштирилган.

Ҳукуматлараро комиссия йиғилишида истиқболдаги вазифаларга ҳам алоҳида урғу берилди. Жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари, инновация, туризм, тиббиёт ва фармацевтика каби соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш хусусида фикр алмашилди.

Савдо-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳукуматлараро комиссиясининг ўн биринчи мажлиси якунида баённома имзоланди.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан биргаликда бизнес форуми ҳамда кооперация биржаси ташкил этилди. Иштирокчилар унда қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат саноати, сайёҳлик, ахборот-коммуникацияси ва тиббий хизматга оид истиқболли лойиҳалар бўйича ўзаро фикр алмашдилар, амалий келишувларга эришилди.

Дилшод УЛУҒМУРДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбек автомобилсозлиги:

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ҲАЖМИ ОРТАДИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КўПАЯДИ



Техамкорлик ва ишончлилик “JV MAN Auto Uzbekistan” корхонаси маҳсулотларининг алоҳида ажралиб турувчи жиҳатлари-дир. Бу ерда йиғилган техникалар қанча қуришидан қатъи назар, двигател ва трансмиссия агрегатлари учун 2 йиллик қафолат берилишининг боиси ҳам шунда.

Завод шу ҳудудда жойлашган “Uz Auto Trailer” масъулияти чекланган жамияти билан мустақкам ҳамкорлиқни йўлга қўйгани маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш имконини берапти.

Гап шундаки, бу ерда тўлиқ технологик цикл бўйича самосвал кузовлари, бортли, изотермик, тенгли ва яхлит металл фуругонлар, самосвал яримтиркама-лар, контейнер ташигичлар ишлаб чиқарилади. Унинг лойиҳавий қуввати 2000 та яримтиркама ва 1000 та юк машинаси шассисига устқурмалар етказиб беришга тенг.

2017 йил ушбу корхона ҳаётида янги давр бошланди. Сабаби, “Uz Auto Trailer”да 10 тоннадан 36 тоннагача юк ташишга мўлжалланган “КамАЗ” русумидаги техникалар ишлаб чиқариш бошланди. 320 нафардан зиёд малакали мухассис-ҳодимлар меҳнат қилаётган жамоа томонидан йилгига 2000 тадан ортқ “КамАЗ” юк автомобиллари йиғилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида

Маммадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚўМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РўЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТўҒРИСИДА 2018 йил 26 майдан 1 июнгача бўлган маълумотни хабар қилади.

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 185-сон “Ҳарид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

2018 йил 26 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3016. (2018 йил 28 майдан қучга кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 19 апрелдаги 81, 12, 2012-38-сон “Махсус инвестиция устама ҳақини “Ўзбекнефтгаз” МХКнинг махсус счётига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 29 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2451-1. (2018 йил 29 майдан қучга кирди).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 10 майдаги 94, 2018-46-сон “Республика ички истеъмолчиларига реализация қилинадиган пахта толасига қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қарори.

2018 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2327-1. (2018 йил 29 майдан қучга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 8 майдаги 95, 2018-36-сон “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасига йиғимларни ҳисоблаб чиқаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3017. (2018 йил 1 июндан қучга кирди).

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 23 майдаги 2018/16-03, 17, 98, 01-02/12-40-сон “Товарларни қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асосларини келишиш ва божхона ҳудудининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулосалар бериш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1634-1. (2018 йил 1 июндан қучга кирди).

6. Ўзбекистон энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил 21 майдаги 6-сон “Электр билан иситиш максидида электр энергиясидан фойдаланиш келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги буйруғи.

2018 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1775-1. (2018 йил 1 июндан қучга кирди).

7. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 17 майдаги 137-сон “Муҳрлар ва штампларни тайёрлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги буйруғи.

2018 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1077-4. (2018 йил 1 июндан қучга кирди).

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2018 йил 21 майдаги 5-сон “Табиий газ етказиб бериш, транспортровка қилиш, тақсимлаш ва сотишдаги йўқотишларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

2018 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3018. (2018 йил 1 июндан қучга кирди).

9. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2018 йил 14 майдаги 122-сон “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтда ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

2018 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3019. (2018 йил 1 июндан қучга кирди).

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 1 июндаги 307-мх-сон “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубийини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруғи.

2018 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2745-1. (2018 йил 5 июндан қучга кирди).

11. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 1 июндаги 308-мх-сон “Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлари ҳақида хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

2018 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3020. (2018 йил 1 июндан қучга кирди).

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 1 июндаги 5, 08/23-сон “Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.

2018 йил 1 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3021. (2018 йил 1 июндан қучга кирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг “Республика ички истеъмолчиларига реализация қилинадиган пахта толасига қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва

тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2327, 2012 йил 16 февраль).

Адлия вазирининг 2018 йил 29 майдаги 300-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг “Товарларни қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асосларини келишиш ва божхона ҳудудидан ташқарида товарларни қайта ишлашининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулосалар бериш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори (рўйхат рақами 1634, 2006 йил 31 декабрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 31 майдаги 302-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқар

ЎЗБЕГУ ТОЖИК — ҚОШУ КЎЗ

Ўзбек адабий тилининг асосчиси, шоирлар султони Алишер Навоий ҳамда форс-тожик адабиётининг улуғ намоёнаси Абдураҳмон Жомийнинг ибрат бўлгулик муносабатидан воқифмиз. Улар ўртасидаги ришта икки қардош халқнинг дўстлиги, ижодий ҳамкорлигига пойдевор бўлган, десак янглишмаймиз. Икки адабиёт вакиллари қай даражада бир-биридан таъсирлангани, ўрни келганда, бир-биридан ўргангани ҳақида кўп таъкидлаб ўтишган. Адабий дўстлик меҳр-оқибатнинг кучайишига туртки бўлди, икки адабиёт вакили бир-бирининг қўлини олиб, сўзининг баланд чўққиси сари интилди, гўё.

ТАЛКИН

Навоийнинг бир муддат Самарқандда яшаганини биламиз. У мадрасаларда таҳсил олди, илм-фан аҳли билан яқинлашди. Замонасининг машҳур олими Фазлulloҳ Абулайс Самарқандийдан камолот сирларини ўрганди.

Манбаларда қайд этилишича, Навоийнинг Самарқандда бўлиши туркийзабон ва форсийзабон толиби илмлар учун муҳим воқеа эди. Бу ерда билимини оширган ҳазрат, ўз навбатида, баъдий ижод ихлосмандларини атрофияда жамлади, икки тилда шеърятдан сабоқ берди. Унинг сая-ҳаракати ила устоз — шогирд мактаби аъёнлари янгила мазмун-моҳият касб этган ҳолда давом этди.

1469 йили Навоий Хиротга қайтди. Давлат ишлари баробарида ижод мулкани обод этди, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлини ҳомий сифатида қўллаб-қувватлади, шогирдлар билан ишлашни изчил давом эттирди. Севимли шогирдларидан бири астрободлик Бадриддин Ҳилолий эди. “Маҳолис ун-нафоис”да унинг адабий маҳорати, ҳофиза кучи ва ақл-заковати га берган баҳосида устознинг шогирдига бўлган меҳр-муҳаббати учунлаб туради. Навоийдан бир умр миннатдор яшаган Ҳилолий форсийда гўзал газаллар битиб, “шеърят бўстонининг булбули”, “ишқ ўлкасининг султони” сифа-

тида Хуросон ва Мовароун-наҳрда машҳур бўлди.

Навоий ўз ишига бепарволик билан қараётган шогирдларини аёвсиз танқид қилар, уларни унумли ишлашга ундар эди. Шошма-шошарлик билан юзаки иш қилувчиларни ёқтирмамасди. Шогирдларидан бири Осафий танбехдан кейин: “Устоз, мен энди сиз айтгандек ижодга киришдим. Мана, масалан, кеча бозордан икки пулга шам олиб, кечкурун ишга ўтирдим ва шу шам ёниб тугагунча 200 мисра шеър ёздим”, дейди. Шошиб-пиши ёзилган шеърнинг куч-сиз чиқишига ишора қилиб, Навоий айтди: “Демак, сиз ёзган ҳар юз мисра шеърнинг баҳоси бир пул экан-да”. Бу заррофат улуғ шоирнинг ўзига хос одамийлиги, оддий шогирд билан ҳам ҳазил-муйойбани ўзига эп қуриб, уни юрагига яқин тутуши, қалби дарё устозлигидан далолат.

Дўстлик, ҳамкорлик муносабатлари XX аср адабиётида Айний ва Қодирий, Ғафур Ғулом ва Турсунзода, Ойбек ва Сотим Улуғзода каби икки халқ адабиёти даргаларининг ижодий ҳамкорлигида давом этди.

1954 йили Садриддин Айний ва-фот этганда чуқур қайғуга ботган

Ғафур Ғулом шундай деб ёзганди: “Муҳтарам устоз, биз, шогирдларингиз юкса савияли илм, билим, ижодингиз олдида бош эгамиз, хотирингиз абадий қалбимизда”. Айнийнинг 80 йиллиги муносабати билан ёзилган Ғафур Ғулом меҳромасида шундай сатрлар бор:

Хиротда “Жомий ва Навоий” мактаби мавжуд бўлиб, бу ерда таълим олганларнинг аксарияти етук олим, шоир ва санъатшунос бўлиб етишган. Мазкур адабий мактаб хусусида ҳазрат Навоийнинг “Маҳолис ун-нафоис” тазкираси тўлиқ маълумот бериши мумкин. Сабоқлар, муҳокамалар, мунозара ва мушоиралар икки тилда — форсий ва туркийда олиб бориларди.

“Менинг муаллимим, фарзандларим бобоси домла Айний Тошкентда бўлганда уйимизда, албатта, меҳмон бўларди. Мен унинг Самарқанддаги уйига дарс олгани, зиёрат қилгани борардим”.



Мирзо Турсунзода оламдан ўтган, дўсти Шароф Рашидов меҳрга тўла, муҳаббатга тўла хотиралар ёзди. Унинг таъкидлашича, “Кашмир қўшиғи” уч марта қайта нашр этилган бўлса, эълон қилинишидан олдин маслақдoshi Мирзо Турсунзода уч марта кўлбозмани синчилаб ўқиб чиққан.

Домла Айнийнинг Абдулла Қодирийга ихлоси баланд эди. У “Одина” қиссасида бир шеърин парча келтириб, унинг остига: “Шу тўрт банд шеър Абдулла Қодирий (Жулқунбой)нинг “Меҳробдан чаён” отлиғ романининг “Қирқ қизлар” бобида “Назми” тахаллуси билан ёзилган шеърига шакл жиҳатдан ўхшамасдир”, деб илова қилади (Садриддин Айний асарлари, 4-том, 67-бет, Тошкент баъдий адабиёт нашриёти, 1965 йил).

Журналист Салим Каримовнинг ҳикоя қилишича, домла Айний Қодирийни кўп тилга олар, “Одина” кўлбозмасини ўқиб чиққани, яхши маслаҳатлар бергани учун унга миннатдорлик билдирар экан. Қодирийнинг “Одина” ни ўқиб: “Асарингиз яхши, бироқ озгина ўт бериш (яъни Одина ва Гулру муҳаббатини жонлаштириш) керак, ўқишли бўлади”, деб

маслаҳат бергани ҳақида бошқа манбаларда ҳам эсланади.

Муҳокамалар оловида тобланган, қанчадан-қанча чиғирикдан ўтган асаргина “пишиб”, юракка ҳарорат бағишлайди, ўқувчининг адабиётга қайноқ ва оташ меҳр қўйишига сабаб бўлади.

Бири иккинчисини ҳурмат юзасидан ҳам “устоз” деб улуғлаган икки адабиёт вакилининг ижодий ҳамкорлиги ҳамма давр-замонда ўз самарасини бериши, адабиётлар гуллаб-яшнашига замин яратиши айна ҳақиқат.

Академик шоиримиз Ғафур Ғуломнинг 1958 йил 9 апрелда ёзган бу қайдномаси унинг уй-музейида сақланади: “Тожик ва ўзбек адабларининг дўстлиги буюк устозларимиз Жомий ва Навоий дўстлиги каби ҳақиқий ва самимийдир. Ушбу дўстликнинг янада ривож топишини орзу қиламан”.

Бу — барчамизнинг орзуимиз. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги яқин қўшичилик муносабатларининг мустаҳкамлаётгани улуғ орзу ва эзгу ниятларимиз рўёбидек. Дўстлик-биродарлик куч-қудратини, унинг ҳаётбахш тафтини туйиб яшаш ҳам бир бахт.

Муҳаммад ШОДИЙ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Анжуман

Асл санъат ва эзгулик тараннуми

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 6 апрелдаги “Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида”ги қарорига асосан, жорий йил 6 — 10 сентябрь кунлари Шаҳрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжумани бўлиб ўтади. Бу нуфузли тадбирда миллий мумтоз санъатимиз жозибаси намойиш этилади, маҳаллий ва хорижий мусиқашунослар, олимлар, хонанда ва созандалар ўзаро фикр алмашади, “Мақом мусиқа санъати ва унинг жаҳон цивилизациясида тугган ўрни” мавзuida илмий-амалий конференция ўтказилади.



Кеча Миллий матбуот марказида ташкил этилган тадбирда таъкидланганидек, илк бор уюштирилаётган ушбу анжуманда 70 дан ортиқ давлатлардан иштирокчилар келиши кутилмоқда.

Бетақорро мақомларимизни кенг миқёсда тарғиб қиладиган, мумтоз мусиқа санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантиришдек олижаноб мақсадга хизмат қилиш, ёш авлодни санъатга, айниқса, миллий мусиқа санъатига муҳаббат руҳида тарбиялаш, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ҳамда ижодий ҳамкорлик ва маданий алоқалар доирасини кенгайтириш — Халқаро мақом анжуманининг асосий мақсадидир.

— Жаҳон санъат аҳлининг Шаҳрисабзга келиб, ушбу анжуманда иштирок этиши ҳар биримизга чексиз фарх бағишлайди, — дейди Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизаи Эркин Рўзиматов. — Мақом санъати узоқ йиллик тарихга эга. Анжуман кунларида хорижий ҳамда маҳаллий мутахассислар иштирокида унинг илдиэлари, ўзига хослиги ҳамда жозибаси ҳақида суҳбатлар ўтказилиши ҳам ёшларимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, ушбу тадбир маълумотида унинг олис ва яқин давлатлар билан дўстона муносабатлари юксалиб бораётганини ҳам ифодалайди.

Зеро, ҳақиқий санъат элларни бирлаштиради, кўнгилларда эзгу туйғуларни уйғотади. — Ушбу анжуман ёш истеъодларни кашф этиш билан бир-

га, мақом ижрочиларини дунёга танитади, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат қўсатган артист Юлдуз Турдиева. — Асл қўшиқнинг миллий танламаслиги, қалбларга бесбўроқ кириб бориши ушбу тадбир тимсолида яна бир қарра исботланиши, шубҳасиз. Бундай тадбирлар қанча кўп бўлса, тинчлик ва дўстлик шунчалик мустаҳкамланаверади.

Ўзбек миллий мақом санъати маркази маълумотларига кўра, анжуман доирасида бўлиб ўтадиган танлов ғолиблари Ташкилий қўмита томонидан диплом, статутка ва пул мукофоти билан тақдирланиши белгиланган. Танлов ғолиблари қуйидаги мукофотлар билан тақдирланади:

“Гран-При” — 15 минг АҚШ доллари.

1-ўрин — яккаҳон ижрочи учун (хонанда ёки созанда) — 10 минг АҚШ доллари, ансамбль жамоаси учун — 10 минг АҚШ доллари. 2-ўрин совриндорларига 7 минг, 3-ўринни қўлга киритганларга эса 5 минг АҚШ доллари ҳажмида пул мукофоти берилади.

Анжуман доирасида фаол ижрочиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган “Энг яхши мақом хонандаси”, “Энг яхши мақом созандаси”, “Энг яхши мақом устози”, “Энг яхши мақом тарғиботчиси”, “Энг яхши ёш мақомчи”, “Энг яхши мақом бастакори” каби номинацияларда ғолиблар ҳам муносиб тақдирланади.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Олимпия шаҳарчасида Ўзбекистон байроғи ҳилпирамоқда

Эртага Индонезияда XVIII Осиё ўйинлари бошланади.



Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида спортчиларимизнинг навбатдаги гуруҳини нуфузли мусобақага кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов сўзга чиқиб, бу галги Осиё ўйинлари барча-

миз учун тарихий аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Миллий олимпия қўмитаси матбуот хизматининг хабар беришича, мезбон мамлакатга Ўзбекистон спорт делегацияси катта тайёргарлик билан борди.

Аънамага мувофиқ, Жакартадаги Олимпия шаҳар-



часида иштирокчи давлатларнинг байроқларини кўтариш маросими ўтказилди. Мазкур тадбирда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси бош қотиби Жасур Матчанов, делегациямиз вакиллари, мураббийлар ва спортчиларимиз қатнашди.

Тенглар ичра тенг бўлиб, Ватанимиз мадҳияси садо-лари остида Ўзбекистон байроғи ҳам тантанали кўтарилди. Тадбир якунида Олимпия шаҳарчаси мери Юни Каркита делегациямиз вакилларига эс-далик совғаларини топширди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси номидан мезбонларга ҳам совға тақдим этилди.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросими 18 август кунини “Gelora Bung Karno” стадионида бўлиб ўтади.

Осиё ўйинларида юртимиз шарафини 232 нафар атлет 30 та спорт тури бўйича ҳимоя қилади.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ
тайёрлади.

Анвар ИЛЁСОВ олган сурат.

ООО «SHARIF-STEEL»

АРМАТУРА

ШВЕЛПЕР КРУГ

ТРУБА УГОЛОК

ЛИСТ

БАЛКА

ООО «Sharif-Steel»,
Ўзбекистон,
г. Ташкент,
массив Сергели,
Южная промзона, 27.

(95) 177-99-17
(95) 143-77-17
(91) 136-55-53

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 845. 78 048 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонахона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



ISSN 2010-6784

4772030478004

Тахририятга келган қўлашмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунали расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер терминали ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.

Навбатчи — З. Анурова.

Мусахҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.30 Топширилди — 22.55 1 2 3 4 5 6